

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 1 октябрь, № 193 (5867) Сешанба


# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Қадрли дўстлар!

Ҳар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга, муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этган, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлиғимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аёндир.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни қуриш, иқтисодиётимизни биз учун янги аснода — бозор муносабатлари негизида ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг кўламли ислоҳотларни жорий қилиш, мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти тан олаётганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз қўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган омил ва мезонлар хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида авваламбор биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янгича фикрлайдиган, ўзлигини, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз, ҳақиқатан ҳам, бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарти бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан: биз билим ва тарбия бериб вояга етказаётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатингиз учун сиз, азизларга — ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат, айниқса, илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалаётган фикрни инобатга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда, инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожи учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни холисона баҳолар эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислоҳотларни мантиқий якунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Авваламбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлмиш олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айни шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни икки босқичли аттестация тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда туб ўзгаришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз, аввало, институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илғор олий ўқув юртлари даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нуқтаи назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини, бу — умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўладими, олий таълим соҳаси бўладими — буларнинг барчасини ягона бир ғоя, умумий бир мақсад бирлаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз фарзандларимизни жаҳон илм-фани чўққиларини забт этган, чуқур билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етук инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъно-мазмунини ифода этган бўламиз.

Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз равнақи ва тараққиёти йўлида қўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўлланма бериш йўлидаги беқиёс хизматингиз, беғараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга рухсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

**1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни**




# ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

*Келажагимиз ворисларининг билим ва тафаккурини бойитиш, улар қалбида она-Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини шакллантиришда меҳрибон устозлар, фидойи мураббийлар, ғамхўр ўқитувчиларнинг хизмати беқиёс. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва меҳнатини рағбатлантиришга юксак эътибор қаратилмоқда.*

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан таълим тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани бугун ўз самарасини бераётир. Хусусан, ҳар бир шахснинг сифатли таълим олишига оид ҳуқуқлари, аввало, Конституциямиз орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади”, дея белгиланган. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида таълим тизими истиқболини белгиловчи қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли жойларда янгидан-янги умумтаълим мактаблари барпо этилди, мавжудлари замонавий қиёфага келтирилиб, энг илғор ускуналар билан жиҳозланди. “9+3” тамойили асосида 12 йиллик умумий мажбурий таълим тизимининг жорий этилгани, мактаб таълими етти тилда олиб борилаётгани, шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиниб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришнинг ноёб тизимига асос солингани халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

## ИФТИХОР

*Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнати ҳақида сўз юритилиб, жумладан, шундай дейилади: “...агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чиндан ҳам, ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига, ҳақиқатан ҳам, ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир. Она тилимизда “мактаб кўрган”, “мактаб яратган” деган чуқур маъноли ибораларнинг мавжудлиги ҳам бу муқаддас даргоҳнинг, заҳматкаш ўқитувчи меҳнатининг давлат ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутишидан далолат беради”.*

# Эзгуликдан таралган ёғду

Дарҳақиқат, ўзининг бор истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатлари ҳамда тажрибасини ишга солиб, бизга маърифат улашиш йўлида беминнат хизмат кўрсатадиган устоз ва мураббийларимизни ҳар қанча улуғласак, эъзозласак арзийди. Чунки улар туфайли билимли бўламиз, дунёни англаймиз, шахс сифатида камолга етиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топамиз.

Халқимиз орасида “Устоз — отангдек улуғ” деган ҳикмат жуда кенг тарқалган. Бу ҳам юртимизда мўътабар касб эгаларига бўлган эҳтиром нақадар юксак эканлигига яна бир яққол далилдир. Мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида, айтиш мумкинки, ана шу тушунча янгича мазмун билан бойиб, амалий жиҳатдан юқори поғонага кўтарилди. Маърифат аҳлининг шарафли меҳнатини қадрлаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан 1 октябрь санаси юртимизда умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни, деб эълон қилингани ҳамда катта тантана сифатида нишонлаб келинаётгани зиёлиларимизга, уларнинг энг катта ва фаол қисмини ташкил этадиган минг-минглаб жонкуяр ўқитувчи ва муаллимлар, устоз ҳамда мураббийларимизга нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Ўз навбатида, таълим жабҳасида фаолият юритиб, кўпчиликка намуна бўлиб келаётган педагоглардан бир гуруҳи ҳар йили давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. Масалан, ҳозирги кунга қадар “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига лойиқ кўрилганларнинг етти нафари айнан таълим соҳаси вакиллари экани кўп нарсани англатади.

**(Давоми 2-бетда).**

# Имконият ва масъулият

*Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини эшитиб, биз, фермерларнинг кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Сабаби, уларнинг “Қашқадарёнинг мард, миришкор деҳқонларини, уларнинг нималарга қодир эканини мен яхши биламан ва уларнинг фидойилиги билан доимо фахрланаман...” деган сўзлари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.*

## ДИЛ СЎЗИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган ғалла ва пахтанинг энг катта қисми, яъни 12 фоиздан зиёди айнан Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келаётгани, бунда бизнинг “Шоназар ота Авазмуродов” фермер хўжалигимизнинг ҳам улуши борлигидан доимо ғурурланамиз, яратиб берилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Натижада ҳар йили ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштирилиб, шартнома мажбуриятлари ортиғи билан уддалаб келинмоқда. Масалан, жорий йилда 25 гектар ерда ғалла парваришлаб, ўртача 70 центнердан дон йиғиштириб олдик. Салкам 80 тонна буғдой эса ёнимизга қолди.

35,7 гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосилидан кўнглимиз тўқ. Ғўзанинг ҳудудимиз иқлим ва тупроқ шароитига мос бўлган “Бухоро-8” навини экиб, обитобида парваришлаганимиз туфайли мўлжалдагидан кўп ҳосил тўпланди. Айни чоғда уни йиғиб-териб олиб, давлатга шартномада белгиланган 110,6 тонна сифатли хом ашёни сотиш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаяпмиз.

Президентимиз сессияда кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда, айрим соҳаларда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: “Биз фермерларни қўллаб-қувватлаш ҳақида кўп гапирамиз. Бугунги кунда фермерларимизнинг ўзига хос муаммолари борки, улар ҳақида ҳам жиддий бош қотиришимиз керак”.

**(Давоми 2-бетда).**

# Ишонч ёрлиқлари топширилди

*Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Норов Бельгияликлар қироли Филиппга ишонч ёрлиқларини топширди.*

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасидаги икки томонлама муносабатлар масалалари муҳокама қилинди. Бельгияликлар қироли Филипп Ўзбекистон — Бельгия ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини ижобий баҳолар экан, Брюсселнинг расмий Тошкент билан ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш ниятида эканлигини тасдиқлади.

Суҳбат давомида икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ижобий жиҳатлари қайд этилиши баробарида, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада тараққий топтириш, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш учун ишга солинмаган катта салоҳият мавжуд эканлиги қайд этилди.

Мулоқот якунида Бельгияликлар қироли Филипп мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида эришган муваффақиятларига юқори баҳо берди, Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда халқига чин дилдан ютуқлар ва фаровонлик тилади.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

# ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, юз минглаб фарзандларимизни, йигит-қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ҳамда спортга жалб этиш мақсадида йўлга қўйилган уч босқичли мусобақалар тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари ҳам жаҳонда муқобили йўқ, ёш авлодни вояга етказишда энг мақбул ва самарали тизим сифатида эътибор қозониб, дунё мамлакатлари томонидан кенг ўрганилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда ташкил этилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференцияда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, Жанубий Корея каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашиб, Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андоза олишга арзигулик эканини эътироф этгани мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, хусусан, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларимиз натижалари унинг нақадар тўғрилигига яна бир ишончли далил бўлди.

Бундан ташқари, бултур Франциянинг нуфузли “Insead” халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан тайёрланган “2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси” деб номланган таҳлилий маърузага асосланган ҳолда, халқаро медиаоламида машҳур бўлган CNN компанияси томонидан эълон қилинган АҚШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисидаги қиёсий ахборотида Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича иккинчи ўринни эгаллаган. Ушбу тадқиқот дунё миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини ишлаб чиқарадиган, сайёрамиз аҳолисининг 94,9 фоизи истиқомат қиладиган 141 мамлакат ўртасида ўтказилганини инобатга олсак, берилган баҳо нақадар юксак ва холис эканини яққол тасаввур этиш мумкин.

Зеро, дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири давом этаётган бир шароитда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизи ва давлатимиз бюджети харажатларининг 35 фоизи йўналтирилаётгани эътирофга лойиқдир. Ёшларимизни ҳар томонлама етук, юксак интеллектуал салоҳиятли авлод қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган ана шу маблағларга келажакка йўналтирилган сармоя сифатида қаралмоқда.

Рағбат ва эътибор инсонни янада кўпроқ изланишга, фаол бўлишга ундайди. Бугун халқ таълими тизимида ишлаётган ҳар бир педагог давлат миқёсида кўрсатилаётган чексиз эъзоз ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, 17 йилдан буён Юртбошимиз ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бу кун маърифатпарвар халқимиз, фарзандлари камолини кўриш истагидаги ота-оналар, билимга чанқоқ ёшлар учун ҳам қувончли айёмдир. Шу боис айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бу байрамга бағишланган кўплаб тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилаяпти.



Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчилари, мураббийлар, педагоглар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган “Маърифат маркази” мажмуи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишдилар.

Анъанага мувофиқ, пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида мазкур умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган педагоглар, илғор ўқитувчилар, олимлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 сентябрда қабул қилинган Фармонига биноан, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

— Бугун ўғил-қизларимизнинг жисмонан соғлом ва маънан етук инсон бўлиб вояга етишига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу жабҳада, айниқса, биз, мураббийларнинг меҳнати ҳам юксак эъзозланаётганидан беҳад мамнунман, — дейди Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Каримжон Абдураҳмонов. — Ўзим қирқ йилдан буён ёшларга спортнинг белбоғли кураш тури бўйича сабоқ бериб келаяпман. Шогирдларим орасида юртимиз ва халқаро мусобақаларда муваффақият қозонган ёшлар жуда кўп. Ана шу камтарона меҳнатларим муҳтарам Юртбошимиз томонидан муносиб эътироф этилди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирландим. Бундай эҳтиром бизни янада фидойи бўлишга, навқирон авлодга билим бериш, уни тарбиялашдек улуғвор ишга катта масъулият билан ёндашишга ундамоқда.

Байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2013 йилда ўтказилган “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” республика кўрик-танлови ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анора Маҳмудова, Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги “Соғуний” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаттар Эшмуҳамедова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни пухта билимли, жисмонан соғлом, юксак маънавий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади эканини алоҳида эътироф этдилар. Соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ҳамда ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тантанали йиғилишда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Эзгуликдан таралган ёғду

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан бир неча баробар ўсди, педагог ходимларнинг меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилди. Буларнинг барчаси пировардида ўқитиш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Истиқлолимизнинг 22 йиллиги шодиёналари арафасида давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Турғун Азларов ҳам “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юксак номга сазовор бўлди.

— Бу бутун мамлакатимиз таълим тизимига кўрсатилган яна бир эътибордир, — дейди у. — Юртбошимиз фарзандларимизни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда биз, муаллим ва мураббийларга катта ишонч билдириб, энг яқин маслакдошим, кўмакчим ва суянчим, дея таърифлаганлар. Бундай юксак баҳо қалбимизни нафақат ғурур-ифтихорга тўлдиради, балки зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.

Таълим-тарбия масаласи, чиндан ҳам, масъулиятли вазифа, айниқса, бугунги шиддатли замонда. Бизга фахр бағишлайдиган жиҳати, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида барча саъй-ҳаракатлар ишга солинмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистонда яшаётган барча-барча ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим!” деган сўзлари, эртамиз эгаларининг муносиб келажагини таъминлаш борасидаги беқиёс ғамхўрликлари ҳаётий ифодасини топмоқда. Қаранг, қанчадан-қанча янги мактаблар қурилди, уларда замонавий лабораториялар, ўқув-компьютер синфлари ташкил этилди. Шуларга мос равишда, албатта, биз, педагоглар ҳам ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз, ўқитишнинг илғор усулларидан фойдаланиб, ёшларимизга пухта билим беришимиз зарур.

Турғун Азларов бугун ёшларимиз кимё, биология, физика, математика, информатика ва хорижий тил фанлари бўйича нуфузли танловларда муносиб қатнашиб, спорт мусобақаларида ажойиб натижаларга эришиб, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини дунёга намоён қилишаётганини тўлқинланиб сўзлайди. Улар орасида ўзининг юзлаб шогирдлари борлигидан ҳақли равишда фахрланади. Тажрибали педагог узоқ йиллар давомида ёшларга аниқ фанлар бўйича сабоқ бериш баробарида, доимо изланишда. Хусусан, у бир қатор илмий-методик рисолалар, 8-9-синфлар учун “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фани бўйича дастур ва дарсликлар муаллифидир. Натижада моҳир педагог Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари томонидан эълон қилинган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” танлови ғолиби бўлди.

Албатта, ислоҳотлар ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Хусусан, таълим соҳасида ҳам янгиланишлар давом этади. Масалан, бугунги ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун юртимизда мазкур тармоқ ривожи доимий диққат-эътиборда бўлиб келаяпти. Соҳа учун салоҳиятли кадрлар етказиб бериш мақсадида барча шарт-шароит яратилмоқда. Таълим муассасаларимиз зарур жиҳозлар, чунончи, энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари, мультимедиа воситалари ва бошқа технологиялар билан таъминланаётир. Ўз навбатида, ҳозирги авлод салоҳияти бундан 25-30 йил олдингисидан ер билан осмонча фарқ қилади. Улар нафақат назарий, балки амалий билимларни ўзлаштиришда ҳам жудаям фаол. Илғор АКТ ютуқларини ўрганишга чанқоқ. Бу эса информатика фани ўқитувчиси зиммасига ҳам катта масъулият юклаб, уни мудом изланишга, ўқиб-ўрганишга, ўз билганларини ўқувчиларга етказишда илғор педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан янада самарали фойдаланишга ундайди.

Турғун Азларов билан суҳбатимиз якунига етиб-етмай навбатдаги дарс бошланганини билдирувчи қўнғироқ чалинди. Тажрибали устоз яна жонажон синфига, севимли ўқувчилари олдига йўл олди...

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

АНЖУМАН

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун “Инқирозга қарши чоралар. Тижорат банкларининг банкрот корхоналарни соғломлаштиришдаги ўрни” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.*

# Банкларнинг ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш тажрибаси

**мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари барқарор ишлашини таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда**

Таъкидландики, бундан беш йил аввал бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз бир қатор давлатлар иқтисодиёти, йирик трансмиллий компаниялар, молия институтлари фаолиятига жиддий зарар етказди. Ишсизлар сони ошиб, аҳоли даромадлари пасайишига олиб келди. Ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури унинг таъсирини нафақат юмшатиш, балки миллий иқтисодиётимизнинг изчил ривожланишини таъминлашда муҳим асос бўлди. Жумладан, республикамиз тижорат банклари мазкур дастур доирасида иқтисодиёт тармоқларига сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи замонавий минитехнологияларни татбиқ этиш, маҳсулот таннархини кескин камайтириш ва уларнинг буюртмалари бўйича айланма маблағларни тўлдириш лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиш, ночор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратди.

Эътиборлиси, ўтган даврда тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб этиш услуби амалда ўзини тўла оқлади. Жаҳон банк тизимида янгилик бўлган ушбу тажрибага кўра, тижорат банклари “банкрот” деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдолари орқали харид қилиб, ўз балансига олади. Уларни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, модернизациялаш, шунингдек, бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш сингари инвестиция мажбуриятларини қабул қилади. Кейинчалик эса ана шу корхоналар стратегик инвесторларга бозор қийматида сотилади.

Маълумотларда қайд этилишича, 2008 йилдан ҳозирги кунгача 171 корхона тижорат банклари балансига қабул қилиниб, улар томонидан мазкур саноат субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 442,6 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритилди. Бунинг натижасида 156 та банкрот корхона қайта тикланиб, уларда 25 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган бўлса, 122 та корхона стратегик инвесторларга сотилди. Фаолияти тикланган корхоналарда эса 2,3 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, шундан 631,9 миллион АҚШ долларлиги экспортга чиқарилди.

Иқтисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган янги ишлаб чиқариш субъектларининг активларини самарали бошқаришда, айниқса, етакчи тижорат банклари базасидаги “NBU Investment”, “NBU Invest Group”, “Asaka Investments”, “Agroinvest Recovery” каби компаниялар намуна бўлмоқдалар.

Қисқача айтганда, тижорат банклари томонидан ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизга хорижий сармоядорларни жалб этиш баробарида, иқтисодиётимиз юксалишида муҳим омил бўлаяпти.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Имконият ва масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғида энергия ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, воҳа заминига мос бўлган тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил ғўза навларини кўпайтириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш каби масалалар юзасидан ҳам ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар.

Юртбошимиз шу куни бизнинг хўжалигимиз даласида фермерлар билан бўлган мулоқот чоғида эса фермерлик ҳаракатини янада тараққий эттириш, қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш борасида ўз фикрлари билан ўртоқлашиб, йўл-йўриқлар кўрсатдилар.

Шулардан келиб чиқиб, биз фаолиятимизни кенгайтирган ҳолда, хўжалигимизни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирмоқчимиз.

Гап шундаки, келгусида чорвачилик ва паррандачилик, қайта ишлаш ва сервис хизмати кўрсатиш тармоқларига қўл урмоқчимиз. Буларнинг бари пировардида даромадимиз ортишига, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги имкониятларимиз кенгайишига хизмат қилади, албатта.

**Сирожиддин ШОНАЗАРОВ,**
**Касби туманидаги «Шоназар ота Авазмуродов» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

*Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида “Жасорат” медали билан тақдирланган шартнома асосидаги оддий аскар Турғун Жўраевнинг (марҳум) ота-онасига давлатимизнинг юксак мукофоти топширилди.*

Термиз туманидаги 14-умумтаълим мактабида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари офицер ва сержантлари, Турғун Жўраев ўсиб-улғайган Чегара маҳалласи фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида замонавий профессионал миллий армиямиз шаклланганини, ҳарбий қисмларда ҳар томонлама соғлом муҳит юзага келиб, қўшинларнинг сифат таркиби тубдан ислоҳ қилингани юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашда юксак самаралар бераётгани, мард, жасур ёшларимиз учун Ватан ҳимояси нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айлангани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари оддий аскари Турғун Жўраев мамлакатимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек шарафли хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришди. Зиммасига юклатилган масъулиятли вазифани виждонан бажариб, ўз билими, касб маҳорати ва жасурлиги билан кўпларга намуна бўлди. Оддий аскар Турғун Жўраев халқимизнинг тинч, фаровон ҳаётини, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган.

Маросимда Турғун Жўраевнинг отаси Эркин Бегимовга давлатимизнинг юксак мукофоти — “Жасорат” медали, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Ватанга содиқ, фидойи фарзандни тарбиялаб, вояга етказган Эркин Бегимов оиласига чуқур миннатдорлик билдирилди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ**
**ЎзА мухбири.**

# Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили

*Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

КОНФЕРЕНЦИЯ

Анжуманда сўзга чиққанлар бугун жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳамда уни энг олий қадрият сифатида улуғлашдек эзгу ғоя сингдирилганини, албатта, ушбу жараёнда адвокатларнинг фаол иштироки муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳозир мамлакатимизда шаклланган кучли мустақил адвокатура тизими — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофазалашга, адолатнинг қарор топишига, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янада самарали ташкил этишда, айниқса, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ўтган даврдаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, Палата адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, соҳани янада ривожлантириш, адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам савиясини оширишга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларни изчил олиб бораётир. Хусусан, айни пайтда мамлакатимизда 3,6 мингдан зиёд адвокат фаолият юритаётган 1241 адвокатлик тузилмаси томонидан фуқаролар ва корхоналарга зарур юридик ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Мисол учун, 2012 йил давомида адвокатлар томонидан жиноят, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда иштирок этиш учун ишонч билдирган ва ҳимоя остидаги шахслар билан жами 140 мингдан зиёд юридик ёрдам бўйича шартномалар тузилган.

— Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида амалдаги қонунчилигимизга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳозирги кунда биз, адвокатларга қулай имкониятларни яратди, — дейди Адвокатлар палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Хуршида Ўроқова. — Хусусан, ҳимоячига жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мустақил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Айниқса, кўраётган ишимизда иштирок этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ижозат бериш тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқловчи ҳужжат ва ҳимоямиздаги шахс билан учрашиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилгани соҳа вакилларининг ишини янада такомиллаштиришда қўл келаётир. Эндиликда буларнинг барчаси учун адвокатлик гувоҳномаси, адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи етарли ҳужжат бўлаяпти. Албатта, бундан оқилона фойдаланган ҳолда бор куч-ғайратимизни, билимимизни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга сафарбар этишимиз айни муддаодир.

Конференцияда бугунги тезкор замон билан ҳамқадам бўлиш, бунинг учун адвокатлар ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий билим даражасини янада ошириш заруратига эътибор қаратилди. Адвокатларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг малакасини оширишга йўналтирилган ислоҳотлар самарасида 2010 — 2013 йиллар давомида икки мингдан зиёд адвокат Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ташкил этилган махсус курсларда малака оширди.

Бундан ташқари, Адвокатлар палатаси томонидан мунтазам равишда аҳолининг юридик ёрдамдан фойдалана олиш имконияти туманлар ва шаҳарларда мониторинг қилиш йўли билан ўрганиб борилмоқда ҳамда тегишли ҳудудларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этилаётир. Чунончи, ўтган давр ичида аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган 25 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилгани бунинг яққол далилидир.

Тадбирда адвокатуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кучайтириш, чинакам мустақиллигини таъминлаш, бу борада муҳим аҳамият касб этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Адвокатлар палатаси раиси, бошқарув ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида 410 654 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

● **Шу ўринда 1992 — 2013 йиллар мобайнида халқ таълими тизимида жами 3,5 мингга яқин педагог давлатимизнинг юксак унвонлари билан тақдирланганини юртимизда ўқитувчилик касби нақадар эъзозланаётганидан далолат беради.**

● Жумладан, улардан 7 нафари "Ўзбекистон Қаҳрамони", 309 нафари Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, 326 нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, 110 нафари "Эл-юрт ҳурмати" ордени, 28 нафари "Фидокорона хизматлари учун" ордени, 283 нафари "Меҳнат шуҳрати" ордени, 512 нафари "Соғлом авлод учун" ордени, 370 нафари "Дўстлик" ордени, 1343 нафари "Шуҳрат" медали, 12 нафари "Жасорат" медали ва бошқа унвонлар билан тақдирланди.



● **Янги ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган 528 972 нафар ўқувчига "Президент совғаси" сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари ва ўқувчи сумкасидан иборат совғалар тантанали равишда тарқатилди.**

● Мактабларга ёш кадрларни жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2004 йилда олий ўқув юртларининг педагогика ва касбий таълим йўналиши бўйича таҳсил олган 2945 нафар битирувчиси турли ҳудудларда иш билан таъминланган бўлса, жорий йилда 7065 нафар ёш мутахассис умумтаълим мактабларида фаолият бошлади.



*Муаллим қадрдон даргоҳига одатдагидан анча барвақт келди. Кираверишдаги навбатчи курсисига ўтириб, кимнидир кута бошлади. Ниҳоят, коллеж эшигидан биринчи бўлиб кириб келган ўқувчини тўхтатиб, ён дафтарига ёзиб қўйди: Чарос Ҳосилова.*

*Анъанага мувофиқ, шу куни педагогик жамоанинг ўқувчилар иштирокидаги ҳафталик йиғилиши бўлди. Ёшларнинг дарсларга қизиқиши, давомат масалалари кўтарилди. Даврада сўз олган муаллим коллежга барвақт келадиган, дарс қолдирмайдиган ўғил-қизларни мунтазам рағбатлантириб бориш ташаббусини илгари сурди. Гап исботи билан дегандек, шу куни коллежга энг барвақт келган ўқувчи қизни давра марказига чорлаб, янги чоп этилган китобини совға қилди. Тенгқурлари Чаросни олқишлашди.*

*Бор гап шу. Бироқ шу оддийгина ташаббуснинг ҳам охири бахайр бўлди — умумий давомат анча яхшиланди.*

# Муаллим ибрати

Оққўрғон тумани Агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи информатика фани ўқитувчиси Уриш Сафаров ҳар бир иш кунини шунга ўхшаш нима биландир бошламаса, кўнгли жойига тушмайди. Дарс ва тўгарак машғулотларидан бўшаб, уйга қайтгач ҳам, тиниб-тинчимайди. Эртанги кунга тайёрланади. Ёзади, чизади, ўчиради. Ўқитувчилик экан, баъзан нимадандир асабийлашганида ўттиз йиллик ҳамроҳи Насиба ая: "Эрта-индин пенсияга чиқадиган одам бўлсангиз, сизга нима зарур?" деб койиган пайтлари ҳам бўлган. Шундай кезларда "Ўқитувчи — бамисоли уриб турган юрак. Ўқувчилар эса — қон томирлари. Юрак бир зум тўхтаб қолса, томирларга қон бормай қолади-да", дея мутойиба қилади муаллим.

— Чиндан ҳам, атрофга бир қаранг, Президентимиз таълим-тарбия масаласига қанчалар эътибор кўрсатаяптилар, — дейди у. — Ўзим ишлаётган коллеж ҳаётидан қиёс. Бундан ўттиз йил аввал шу даргоҳга ишга келганман. Қандай шароитларда ишламадик, дейсиз? Шукр, мустақиллик шарофати билан таълим масканимизнинг қиёфасидан тортиб, йўналишигача бутунлай янгиланди. Шу йилнинг ўзида давлатимиз ажратган қарийб 400 миллион сўмлик маблағ ҳисобидан шарт-шароитларимиз яна ҳам яхшиланди. Қўшимча ўқув-лаборатория жиҳозлари, энг сўнгги русумдаги компьютерлар келтирилди. Бундай эътиборга яраша бугунги кун ўқитувчиси фидойи, жонкуяр ва янада изланувчан бўлиши шарт!

Дарҳақиқат, ҳар бир дарсини ноанъанавий услубда ўтишга интилиб келаётган муаллим 2008 йилда "Йил ўқитувчиси" танлови ғолиблари қаторидан жой олди. Фанга қизиққан шогирдлари ҳамда қишлоқ ёшларини тўплаб, коллеж қошида "Интернет олами" тўгарагини йўлга қўйди. Бир неча шогирдлари вилоят фан олимпиадаларида қатнашиб, совриндор бўлишди.

Шогирдлари ютуқларидан руҳланган муаллим ўзи анчадан буён ўйлаб юрган илмий лойиҳалари рўёбига киришди. Шу тариқа дарсларда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятлари, замонавий педагогик технологиялар, диплом лойиҳа ишларида ўқувчиларнинг ижодкорлигини шакллантириш методикаси, "WINDOWS XP" операцион тизимини ўрганишнинг оддий усуллари каби мавзуларда ўнга яқин илмий-услубий рисолалар яратди. Бугун улардан ўрта махсус таълим муассасалари ўқув жараёнларида кенг фойдаланилмоқда.

Уриш Сафаров ўзининг ўттиз йиллик педагогик фаолияти мобайнида юзлаб шогирдлар тарбиялади. Улар бугун турли соҳаларда хизмат қилишмоқда. Шогирдлар орасида устози ортидан эргашиб ўқитувчилик касбини танлаганлари ҳам ўндан ошади.

— Баъзан айрим ота-оналарнинг ўз фарзандларига гап уқтиролмаётганларига гувоҳ бўламиз, — дейди шогирдлардан бири, Оққўрғон туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилфуза Абдиева. — Устозимизнинг дарсларини эса бутун синф жонқулоғи билан тинглайди. Айниқса, машғулотлар пайтида электрон дарсликлар, мультимедиа, проектор ва видеоматериаллардан моҳирона фойдаланишларини айтмайсизми?! Тўғриси, у кишининг дарсларини ҳанузгача соғиниб юрамиз.

Қалб қўри, кўз нурини болаларга бериб келаётган ўқитувчининг ҳаётида бу йил яна бир унутилмас воқеа юз берди. Уриш Сафаров мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвони билан мукофотланди.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Фармон матбуотда чоп этилган куни Бойгули қишлоғи оқсоқоли Эшпўлат Тошпўлатов шошилиб муаллим хонадонига йўл олди. Бу вақтда ҳали ҳеч гапдан хабари йўқ муаллим коллежда, қишлоқ ёшларининг чуғур-чуғури ичида тўгарак машғулотлари билан банд эди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ШАХМАТ

*Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида хотин-қизлар ўртасида Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг учинчи босқичи баҳслари якунланди.*

# Ғолиблар аниқланди

Халқаро шахмат федерацияси (FIDE), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг энг кучли 12 нафар шахматчиси қатнашди.

Маълумки, хотин-қизлар ўртасидаги FIDE Гран-приси олти халқаро турнирдан иборат бўлиб, 2013 — 2014 йилларда жаҳоннинг 18 нафар энг кучли шахматчиси иштирокида бўлиб ўтади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан спортчи ғолиблик учун курашади. Якунда энг кўп балл жамғарган иштирокчи 2015 йилда жаҳон шахмат тожи учун дона суриш ҳуқуқини қўлга киритади. Мусобақанинг дастлабки босқичи жорий йил майида Швейцарияда, иккинчи босқичи эса июнь ойида Арманистонда бўлиб ўтган эди.

Пойтахтимиз мезбонлик қилган учинчи босқич баҳсларида 11 учрашувдан 8 очко тўплаган ҳиндистонлик Хампи Конеру ғолибликка эришди. 11 партиядан 7 тадан очко тўплаган грузиялик Бела Хотенашвили ҳамда украиналик Екатерина Лагно кучли учликдан жой олди. Таъкидлаш жоизки, турнирда ҳамюртимиз Нафиса Мўминова ҳам муносиб қатнашди.

Хотин-қизлар ўртасида Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг навбатдаги — тўртинчи босқич баҳслари келгуси йили Россия Федерациясининг Ханти-Мансийск шаҳрида бўлиб ўтади.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов иштирок этди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.**

# Миллий либослар намойиши

*Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида анъанавий "Хонатлас" фестивали бўлиб ўтди.*

*Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоатчилик бирлашмаси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлари ва дизайнерлари уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.*

«ХОНАТЛАС — 2013»

"Хонатлас" фестивали, бу — камалакнинг етти жилоси акс этган ўзбекона нақш ва матолар, миллий андозалар байрами. Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш баробарида, маданий мерос, анъана ва урф-одатларни сақлаб қолиш ҳамда бойитишдан иборатдир. Хусусан, бу галги намойишда ҳам 26 нафар ёш дизайнер 14 либослар тўплами билан қатнашди. Мазкур тўпламдан эса, асосан, хонатласдан тикилган кундалик ва оқшом либослари ўрин олган. Бундан ташқари, фестивалда хонатласдан бошқа қатор миллий матоларимиз билан уйғунликда яратилган либослар ҳам намойиш этилди.

"Хонатлас" фестивалининг бу галги иштирокчи-дизайнерларининг аксарияти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари ҳамда "Келажак овози" республика иқтидорли ёшлар танлови ғолибларидир.

Фестивалда либослар тўплами энг яхши деб топилган ёш дизайнерларга дипломлар топширилди.

**Фозила АШУРОВА.**

● Реклама ва эълонлар ●

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!**

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.***

1539А893

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:**

- **Дори воситаларининг саноат технологияси:** кафедра мудири (фан доктори ёки фан номзоди).
- **Фармация кафедраси:** кафедра мудири (фан доктори ёки фан номзоди).
- **Тиллар кафедраси:** кафедра мудири (фан номзоди).
- **Биотехнология кафедраси:** кафедра мудири (фан доктори ёки фан номзоди).
- **Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси:** кафедра мудири (фан доктори).
- **Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси:** доцент — 1 (аналитик кимё — 1), катта ўқитувчи (аналитик кимё — 1).
- **Фармакология ва клиник фармацияси кафедраси:** ассистент — 1 (физиология).
- **Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси:** ўқитувчи (олий математика — 1).

Танлов муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**(8-371) 256-37-38, 256-38-50.**

1577А/902

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси



**моддий-техник базаси ва етарли иш тажрибасига эга бўлган барча қурилиш ташкилотларини фуқаролик ҳамда мудофаа иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.**

**Ушбу таклифга қизиқиш билдирган корхона ҳамда ташкилотлар танлов савдосига қўйилаётган бино-иншоотлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.**

Маълумот олиш учун **(8-371) 241-41-06** телефони орқали **соат 10.00 дан 18.00 га** қадар мурожаат қилиш ёки тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юбориш мумкин: **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй. Факс: (8-371) 244-31-39.**

1278R/735

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

**компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.**

Таклифлар техник ва тижорат қисмларига ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига «Компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилади. Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

**Танлов бўйича таклифлар 2013 йил 21 октябрь куни соат 17.00 гача қабул қилинади.**

**Танлов ҳужжатларининг баҳоси — 183 060 сўм (танлов ҳужжатлари учун ўтказилган пул қайтарилмайди).**

**Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Дархонтепа кўчаси, 7-«А» уй. Телефон: (8-371) 120-86-26.**
**Х/р: 21506000400189856007, МФО: 00014, ОКОНХ: 97200, СТИР: 200542017**
**Ўзбекистон Республикаси МБ Тошкент ш. ББ ҲККМ.**

1603А/926

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Хатирчи тумани СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2013 йил 17 майдаги 1-168/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хатирчи тумани, Янги қурилиш массиви ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., туражой майдони 83,08 кв.м., фойдаланиш майдони 166,05 кв.м. бўлган 4 хонали 11-уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 62 760 500 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 1 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 30 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиали. Телефон: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz

1662R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)

***банк балансидаги қуйидаги корхоналар мол-мулкларини қўриқлаш ва дахлсизлигини таъминлаш мақсадида лицензияга эга бўлган қўриқлаш хизмати ташкилотларидан тижорат таклифларини қабул қилади.***

1. **«Асака Коттон Импекс» МЧЖ,** Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, «Увоқ» ҚФЙ, саноат майдони, «Резинатехника» ИЧБда жойлашган 3 та постдан иборат.
2. **«Single Spring Water» МЧЖ,** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Думалоқ» ҚФЙ, Лойиҳачи кўчаси, 11-уйда жойлашган битта постдан иборат.
3. **«Кинерташ» МЧЖ,** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Раимқулова кўчаси, 2-уйда жойлашган 2 та постдан иборат.
4. **«Осиё Асака Модель» МЧЖ,** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси, 124-уйда жойлашган битта постдан иборат.

*Тижорат таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 10 октябрь.*

**Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий 1-тор кўчаси, 9-уй. Телефонлар: (8-371) 120-39-84, 120-39-68.**

1657А/45

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

GidroSpetsKrovlya

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканой основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.




504R/44

УМНЫЙ ДОМ МАГАЗИН-САЛОН



*Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.*

**IP камеры: Dahua, GeoVision, Hikvision для цифровых систем видеонаблюдения**

Товар сертифицирован

Setko System Integration. Security

БИОМЕТРИЧЕСКИЕ И КАРТОЧНЫЕ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УПРАВЛЕНИЯ ДОСТУПОМ

- Обеспечение пропускного режима
- Контроль и учет рабочего времени
- До 30 000 пользователей на систему
- Категоризация доступа в помещения
- Широкий ценовой диапазон

238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz

1541R/1578

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**• Давлатимизнинг педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича изчил амалга оширган ишлари натижасида ўқитувчиларнинг барча устама ва қўшимчалари билан ўртача иш ҳақи 2006 йилнинг 1 сентябрига нисбатан 9 бароборга оширилди.**

• Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълим соҳасини замонавийлаштиришда муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур қарорга асосан, халқ таълими тизимидаги педагогларнинг маҳорати, билими ва тажрибасини янада юксалтириш мақсадида республиканинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларидан 160 нафар инглиз тили, 45 нафар немис, 40 нафар француз тили тренер-ўқитувчилари саралаб олинди ҳамда олий таълим муассасаларида малакаси оширилиб, уларга махсус сертификатлар берилди.

**• Жорий йилги Инвестиция дастурига кўра, 381 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.**

• 2013/2014 ўқув йилида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида республикамиздаги 1066 та мактаб қошида мактаб ярмаркалари фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга, бундай ярмаркаларнинг 232 таси касб-ҳунар таълим муассасаларида, 398 таси аҳоли гавжум бозорлар ҳудуди ва атрофларида, 276 таси йирик савдо мажмуаларида ташкил этилгани кўпчиликка манзур бўлди.

**• Мазкур мактаб бозорлари ва ярмаркалари 26 турдаги ўқув қуроллари, болалар спорт формалари ҳамда пойабзалларига бўлган эҳтиёжлар асосида шакллантирилди.**



Ўтган йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида республикамиздаги жами 9763 та мактабнинг 8501 тасида, яъни

**3012000**

ўқувчи ўрнига мўлжалланган умумтаълим муассасаларида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

# Чемпионлар улғайган маскан

*Нукус спорт коллежи битирувчиси Исломбек Мамбетназаров учун ўтаётган йил унутилмас воқеаларга бой бўлаяпти. Гап шундаки, у академик эшкак эшиш спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпиони номига муносиб, деб топилгач, имтиёзли асосда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига ўқишга қабул қилинди.*

Қувонарлиси шундаки, Нукус спорт коллежида Исломбек каби истеъдодли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бу таълим масканидаги маҳоратли устоз-мураббийларнинг ёш спортчиларга соҳа сирларини мукаммал ўргатаётганликларидан дарак беради.

— Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ўқув даргоҳларидаги таълим сифати юқори босқичга кўтарилмоқда, — дейди Нукус спорт коллежи директори Аяпберган Абдикаримов. — Замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда спорт инвентарлари билан таъминланган коллежимизда ёшлар пухта билим олиб, келажак сари дадил интилаётирлар. Ўз навбатида, бу ерда фаолият олиб бораётган тажрибали устозлар тиришқоқ, изланувчан, интилувчан ўғил-қизлар орасидан кўплаб етук спортчилар етишиб чиқиши учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Коллежда ўқув жараёни уч йўналиш, яъни бошланғич синфлар учун жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш, спортнинг олимпиада турлари, мультимедиа тизими ҳамда компьютер графикаси бўйича олиб борилади. Бу ерда, айниқса, ўқувчиларнинг умумий ва алоҳида фанлардан чуқур билим олиши учун ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ аудиториялар, физика ҳамда кимё лабораториялари, компьютер, лингафон хоналари,



шунингдек, замонавий ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. Волейбол, тренажёр, бокс заллари ва сув ҳавзаси ҳамиша ўқувчилар билан гавжум.

Ёшларга олимпиада дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича Ислом Абдуллаев, Азат Ешатаев, Жасмина Абитова, Қирмизи Мамбеткасимова каби тажрибали мутахассислар сабоқ беришади. Коллежда нафақат спорт ва жисмоний тарбияга, балки маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

...Мазкур билим маскани юртимиздаги энг намунали коллежлардан бири, десак, муболаға бўлмайди. Бинобарин, Нукусда бўлиб ўтган "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларида коллеж жамоаси фаол иштирок этиб, ўн икки нафар ўқувчи юқори натижаларга эришганлиги ҳануз каттаю кичикнинг ёдида.

— Ёшларимизнинг йирик спорт мусобақаларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишаётгани бизда чексиз фахр уйғотмоқда, — дейди А. Абдикаримов. — Шу кунга қадар йигирма нафар ўқувчимиз спортнинг турли йўналишлари бўйича Ўзбекистон чемпиони, яна йигирма нафари эса Қорақалпоғистон чемпиони бўлди. Айнура Мамбетназарова, Айнура Байлепесова, Даметкен Каипова, Раушан Сапарбаева академик эшкак эшиш бўйича спорт устаси талабларини, Дамехан Бўронбоева спорт усталигига номзодлик талабларини бажаришди.

Эътиборлиси, кейинги йилларда ёшларнинг кўпроқ сув спортига қизиқиши ортмоқда. Бунда, шубҳасиз, коллеж қошидаги барча замонавий талабларга жавоб бера оладиган "Орол" сув ҳавзасида ўтказилаётган мусобақалар муҳим омил бўлаётир. Айни пайтда бу ерда юзлаб ёшлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланишаяпти.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ
олган сурат.

# Фарзандлар камолоти

## таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир

*Таълим тизимида ёшларни ҳар томонлама етук ва интеллектуал салоҳиятли қилиб вояга етказиш устувор вазифалардан биридир. Бинобарин, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва яна қатор муҳим ҳужжатларда ушбу вазифаларнинг аниқ ва самарали стратегияси белгилаб берилган.*

Албатта, пировард мақсад — жамиятга баркамол шахс ва малакали мутахассисни етказиб беришга йўналтирилган бўлиб, унинг тўлақонли амалга оширилиши узлуксиз таълим тизими самарадорлигини янада ошириш, мазмунини ижтимоий талабларга мувофиқ равишда такомиллаштириш асосида таъминланаяпти.

Айтиш керакки, бу каби янгиланишлар изчил давом эттирилиб, соҳага кўплаб замонавий ютуқлар татбиқ этилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг асосий йўналиши белгилаб берилган.

Айни пайтда вилоятимизда 45 минг 290 ўқувчи ўрнига эга бўлган 75 та касб-ҳунар коллежи ва 3 минг 50 ўқувчи ўрнига эга 4 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда жорий ўқув йилида 63 минг 11 нафар ўқувчига 108 та касб бўйича 4 минг 539 нафар педагог ходим таълим-тарбия бериб, касб-ҳунар сирларини ўргатмоқда.

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Ана шу мақсадда 2013 йилда республикамиздаги 21 олий таълим муассасаси билан 1 минг 52 нафар раҳбар ва педагог ходимнинг малакасини ошириш ҳамда 326 нафар махсус фан ўқитувчисини педагогик қайта тайёрлаш режалаштирилган.

Иқтидорли, истеъдодли ўқувчиларнинг қобилиятларини янада ривожлантириш борасидаги ишларнинг самараси ўлароқ, 2012/2013 ўқув йилида фан олимпиадалари доирасида 34 минг 815 нафар ўқувчи қамраб олинди ва вилоят босқичида ғолиб бўлган 26 нафар ўқувчи республика босқичида иштирок этди.

Вилоятдаги 59 та таълим муассасаси "ZiyoNET" таълим порталига уланди. 307 номдаги дарслик, ўқув қўлланма ва тарқатма материалларнинг электрон шакли ахборот-ресурс марказларининг маълумотлар базасига жойлаштирилди. Мазкур марказларда электрон форматга ўгирилган адабиётлар сони 23 минг 612 донани ташкил этади.

Ўтган ўқув йилида вилоятдаги 75 та касб-ҳунар коллежини 66 та мутахассислик бўйича 18 минг 288 нафар ўқувчи битирди. Битирувчилар касб-ҳунар коллежларидаги йўналишларга мос бўлган 30 та йирик ва 5 минг 720 та кичик корхона, микрофирма, идора ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётларини ўташди. 18 минг 73 нафар битирувчи билан корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди.

Таълим муассасаларимизда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари турли фан ва ҳунарларни янада пухта эгаллашлари ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, 1 минг 123 та умумтаълим фан тўгарагига 7 минг 482 нафар, 810 та касбий фан тўгарагига 32 минг 560 нафар ўқувчи қамраб олинган. Шунингдек, 1 минг 235 та спорт секциясига 31 минг 210 нафар ўқувчи жалб қилинган бўлиб, уларнинг 18 минг 245 нафарини қизлар ташкил этади. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги мавжуд битта спорт иншооти, 79 та спорт зали, 80 та спорт майдони ва майдончаси, 2 та сузиш ҳавзасида ўқувчилар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ёш авлод камолоти мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Президентимиз томонидан давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган эди. Узоқни кўзлаб амалга оширилган ушбу сиёсат бугун ўз самарасини бераяпти. Эришаётган ютуқларимиз ҳаётимизда, юртимиз тараққиётида, дунё миқёсида ҳавасни тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлмоқда. Бу эса Юртбошимиз айтганидек, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини англатади.

**Шуҳрат ТУРДИЕВ,**
**Жиззах вилояти**
**ўрта махсус, касб-ҳунар**
**таълими бошқармаси**
**бошлиғи.**

## ЖАРАЁН

Реклама ўрнида

*Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳисса қўшиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланган. Бу халқимиз, айниқса, ёшларимиз орасида муддатли ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилганидан далолатдир. Бинобарин, истиқлол йилларида профессионал асосда шакллантирилган миллий армиямиз таркибини ҳам ўз хоҳиши билан Ватанга хизмат қилишга бел боғлаган, эл-юртига садоқатли ёшлар ташкил этмоқда.*

# Касб ва маҳорат мактаби

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти фаолияти Қуролли Кучларимизга жасур, мард ва интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаб беришга қаратилган. Бу шарафли ва масъулиятли вазифани ташкилотнинг Мингбулоқ тумани кенгаши, хусусан, туман ўқув-спорт техника клуби жамоаси ҳам чуқур ҳис қилади.

Клубимиз, асосан, армиямиз сафларига, шунингдек, халқ хўжалиги учун ҳайдовчилар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Мустаҳкам моддий-техник база, малакали мураббий ҳамда ўқитувчилар кўмагида ёшлар бу ерда муддатли ҳарбий хизматга оид сабоқларни кунт билан ўзлаштирмоқда. Унинг амалий натижалари эса таълим даргоҳимиздан кейин Қуролли Кучларимизда ўз бурчини муваффақият билан ўтаётган кўплаб йигитлар хизматига берилаётган ижобий баҳода яққол кўринаяпти. Масалан, яқинда Меҳнатобод қишлоғидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Аҳмаджон Шарофиддинов хизмат қилаётган ҳарбий қисм раҳбариятидан аскарнинг ота-онаси, шунингдек, клубимиз номига миннатдорлик хати келди. Унда Аҳмаджон бурчини аъло даражада бажараётгани, сафдошларига ибрат бўлаётгани алоҳида таъкидланган. Бу ҳам жамоамиз меҳнатининг яна бир эътирофидир.

Ҳар гал шундай мактубларни олганимизда, қалбимиз ғурур ва ифтихор ҳиссига тўлади. Албатта, кўзда тутилган вазифаларга эришишда Абдуқаҳҳор Абдуқодиров, Усмонжон Йўлдошев, Бозорали Тошназаров, Дилмурод Машрабов каби мутахассисларимизнинг ҳиссаси катта.

Айтиш керакки, йигирма саккиз кишилик жамоамиз фаолияти фақатгина ҳайдовчилар тайёрлаш билан чекланиб қолмайди. Балки ёшлар фаоллигини ошириш, уларга кундалик турмушда зарур бўладиган касб-ҳунар ўргатиш, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасидаги ишларни ҳам кенг йўлга қўйганмиз. Бунда ёшлар билан ишлашда ўзига хос тажрибага эга бўлган фаолларимиз, бошланғич ташкилотларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Хусусан, Эргашали Қодиров ўзи меҳнат қилаётган Мингбулоқ мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Фидойи қизлар" клубини тузиш ташаббуси билан чиқди. Ўқувчи-қизларнинг ҳар соҳада билимдон, спортда чаққон бўлишларига қаратилган машғулотлар уларни катта ҳаётга тайёрлашда яхши натижа бераяпти. Яқинда мазкур клуб аъзолари вилоят миқёсидаги кўргазмали амалий семинарда маҳоратларини намойиш қилишди. Уларнинг пневматик милтиқ ва тўппончадан ўқ отиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек, спортнинг бир неча турлари бўйича чиқишлари тадбир ташкилотчилари томонидан юқори баҳоланди. Эътиборли жиҳати, бундай ютуқлар тумандаги яна олтита касб-ҳунар коллежидаги клубларда ҳам кўзга ташланади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, клубимиз моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётгани эришилаётган муваффақиятларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, икки қаватли замонавий бино, картодром, лаборатория ва амалий машғулот хоналари замонавий техника воситалари, жиҳозлар ҳамда кўргазмали қуроллар билан таъминланган.

Тарбияланувчиларга нафақат ҳарбий соҳа ҳақида билим бериш, балки уларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳам доимий диққат-эътиборимиздадир. Шу ниятда спортнинг техник ва амалий турлари, хусусан, ёзги биатлон, ўқ отиш, ҳарбий-амалий кўп кураш, картинг ва мотоспорт бўйича 72 та секция ҳамда тўгарак фаолияти йўлга қўйилган. Уларда сабоқ олган Абдуғани Қаҳҳоров, Шоҳруҳ Мамадалиев сингари ўнлаб спортчи йигитларнинг вилоят, республика миқёсидаги беллашувларда юқори ўринларни эгаллаганлиги касбимизга бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтиради. Эндиликда ютуқлар салмоғини ошириш мақсадида касб-ҳунар коллежларидаги бўлажак аскарлар тайёрлаш тўгараклари фаолиятига ҳам амалий ёрдам кўрсатишни кенгайтираяпмиз.

Умуман, кейинги йилларда клубимиз томонидан 6 минг нафардан зиёд мутахассис тайёрланди. Биргина жорий йилнинг ўзида эса яна 450 нафар ёш ҳайдовчилик касбини қунт билан ўрганмоқда.

Биз бундан кейин ҳам зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиш йўлида бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Иброҳим ОТАМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи**
**«Ватанпарвар» ташкилоти Мингбулоқ тумани**
**ўқув-спорт техника клуби**
**бошлиғи вазифасини бажарувчи.**

Эълонлар

**Республика аҳолиси диққатига!**

**Сиз ўз маблағингизни тежашни истайсизми?**

**ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ**

**«ISUZU» ва «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаларини сиқилган ва суюлтирилган газда ишлашга ўтказиш таклифини беради.**



*Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.*

**Манзилимиз:**
**Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўрғони.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+998-93) 549-15-15, (+998-98) 121-18-07.**

1581А/890

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**

**Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида**

*(8-371) 257-37-69*

рақамли

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»**

*хизмат кўрсатмоқда.*

1654А/860

*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 октябрь, пайшанба куни чиқади).*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 087 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5